



«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Завроода саҳобалари билан турганларида, у зотга бир идиш келтирилди. Шунда у зот қўлларини идишга солдилар. Бас, у зотнинг бармоқлари орасидан сув чиқа бошлади. Қавм таҳорат қилди».

Қатода айтади: «Анасга: «Нечта эдинглар?» дедим.

«Уч юзта ёки уч юз атрофида», деди».

Икки шайх ривоят қилишган.

رَضَعُوا لَأَهْلِ صَنْعَةَ نَاحٍ وَ مَلَسُوا هَيْلَعِ الْجَلِجِ لِيَصِلَ إِلَى الْوَسْرِ تُبَيَّرُ: لَأَقُوهَ نَعَوٍ  
مَلَسُوا هَيْلَعِ الْجَلِجِ لِيَصِلَ إِلَى الْوَسْرِ يُبَيَّرُ، هُوَ دَجِي مَلَفٌ وَأَوْضَوْلًا سُمُّتْ لَأَفِ  
أَمَّا لَأُتَيَّرُ، هُوَ مِ أَوْضَوْلَتِي نَأَسَّ لَأَمَّافٍ، أَعَانِ لَأَلْذِي فِ دَيَّ عَضَوَفٍ، وَأَوْضَوْلِ  
هُوَ: مَخْرَجٌ نَمِ أَوْضَوْلَتِي سَأَلِ لَأَضَوَتِ، وَعَبَّاصٌ لَأَتَحْتِ نَمِ عُبْنِي  
يُذَمُّرَّتْ لَأَوْنَاحِي شَلِ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни Аср намози вақти бўлганда кўрдим. Таҳорат суви изланди. Уни топа олмадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга таҳорат суви келтирилди. Бас, у зот ўша идишга қўлларини солдилар ва одамларни ундан таҳорат қилишга амр қилдилар. Ул зотнинг бармоқлари орасидан сув чиқаётганини кўрдим. Бас, одамлар таҳорат қилдилар. Битталари ҳам қолмай таҳорат қилдилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

نَمُ سَأَنُ عَمَّوٍ رَاحَ مَضَعَبِ يَ مَلَسُوا هَيْلَعِ الْجَلِجِ لِيَصِلَ إِلَى الْوَسْرِ: لَأَقُوهَ نَعَوٍ  
، نَمِ أَوْضَوْلَتِي أَمَّافٍ، هُوَ دَجِي مَلَفٌ أَلَّصَلَّ رَضَخَفٍ، نَمِ أَوْضَوْلَتِي أَمَّافٍ، هُوَ دَجِي مَلَفٌ  
هَلَّ لِيَصِلَ إِلَى الْوَسْرِ دَخَفٍ، رِي سَيَّ أَمَّافٍ، نَمِ مَخْرَجٌ دَقَبٍ، أَعَجَفٍ مَمَّقُولًا نَمِ لُجْرَقَلَطْنِ أَمَّافٍ  
أَمَّافٍ: لَأَقُوهَ مَخْرَجٌ لَأَلَّ عَمَّافٍ رَأَلِ أَعَبَّاصٌ أَمَّافٍ، أَمَّافٍ مَلَسُوا هَيْلَعِ  
وَأَنِّي عَبَّاسٌ أُونَاكَوٍ، وَأَوْضَوْلًا نَمِ نَمِ أَمَّافٍ أَمَّافٍ، هُوَ دَجِي مَلَفٌ أَلَّصَلَّ رَضَخَفٍ، نَمِ أَوْضَوْلَتِي أَمَّافٍ، هُوَ دَجِي مَلَفٌ  
يُذَمُّرَّتْ لَأَوْنَاحِي شَلِ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам баъзи бир чиқишларига чиқдилар. Ул зот билан саҳобаларидан баъзи кишилар бор эди. Улар юриб кетдилар. Намоз вақти бўлди. Таҳорат қилгани сув топмадилар. Қавмдан бир киши бориб, бир қадаҳда озгина сув келтирди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унда таҳорат қилдилар. Кейин тўрт бармоқларини қадаҳга чўздилар ва:

«Туринглар, таҳорат қилинглари», дедилар. Бас, қавм хоҳлаганларича таҳорат қилдилар. Улар етмиш ёки шу атрофида эдилар».

Бухорий ривоят қилган.

هَلْ لِي صِيْبٌ لِّاَوْءِ بَيْتِي دُخْلًا مَّوِي سَان لَّ شَطْعَ : لَأَقُوْهُنَّ عُلَّه لِّلَّ اِيضَرَ رِبَاجٍ نَّع  
«؟مُكَلِّ اَم» : لَأَقُوْهُنَّ عُلَّه لِّلَّ اِيضَرَ رِبَاجٍ نَّع : لَأَقُوْهُنَّ عُلَّه لِّلَّ اِيضَرَ رِبَاجٍ نَّع : لَأَقُوْهُنَّ  
ي فُءَدِيْ غَضَوَفٌ ، كَيْدِيْ نَيِّبٌ اَمَّ اِلَّ اِبْرَشَنَ اَلْ وَاِضَوَتَنَّ اَمَّ اِنْدَنَ سَيِّلٍ : اُولَاق  
، اِنْ اِضَوَتَوَ اِنْبَرَشَفٍ ، نُوِيْغُلَّ اِلَّ اِثْمَ اَكْ هَعَبَ اَصَّ اَنِّيْ رُوْتَيُّ اَمَّ لَلَّ عَجَفٍ ، ءَوَكَّرَلَّ  
هُ اَوْرَ . ءَءِ اَمَّ ءَرَشَعَ سَمَّخَ اُنْ كَ ، اِنْفَكَلَّ لِفَلَّ ءَءِ اَمَّ اُنْ كَ وَلَّ : لَأَقُوْهُنَّ عُلَّه لِّلَّ اِيضَرَ رِبَاجٍ نَّع : لَأَقُوْهُنَّ  
ي رَاخُبَلَّ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Худайбия куни одамлар чанқаб қолдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида кичик меш турарди. Бас, у зот таҳорат қилдилар. Одамлар у зот томон шошилдилар. Шунда у зот:

«Сизларга нима бўлди?» дедилар.

«Ҳузурингиздагидан бошқа таҳорат қилишимизга ҳам, ичишимизга ҳам сув йўқ», дейишди.

Бас, у зот қўлларини кичик мешкоб ичига солдилар. Шунда бармоқлари орасидан худди булоқларга ўхшаб сув отилиб чиқа бошлади. Биз ҳам ичдик, ҳам таҳорат қилдик». «Неча киши эдинглар?» дейилди.

«Юз мингта бўлганимизда ҳам етар эди. Ўн беш юзта эдик», деди».

Икки шайх ривоят қилишган.

**«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди**